

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

45-сон
(181)
2005 й.
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

337. «Республика комиссиялари ва кенгашлари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 6 ноябрдаги ПФ-3675-сон Фармони
338. «Мустакил телерадио каналларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги ПФ-3678-сон Фармони
339. «2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликлигига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги ПҚ-215-сон қарори [Кўчирма]
340. «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Инвестиция дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги ПҚ-216-сон қарори

Учинчи бўлим

341. «Айрим республика комиссиялари ва кенгашлари таркибига ўзгартиришлар

киритиши тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 7 ноябрдаги 244-сон қарори [Кўчирма]

342. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 19 сентябрдаги ПҚ-183-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 10 ноябрдаги 246-сон қарори
343. «Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 11 ноябрдаги 247-сон қарори

Бешинчи бўлим

344. «Топширилган пахта ҳосилидан фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига тегишли бўлган пахта истеъмол ёфи, шелуха ва кунжарани етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 6 ноябрдаги 223-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 7 ноябрда 1519-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
345. «Тижорат банклари томонидан ширкат ва фермер хўжаликларига уларга тегишли пахта ёфи, шрот ва шелухани ёғ-мой корхоналари ва уларнинг шохобчаларидан ўз вақтида харид қилишлари учун кредит бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 22 октябрдаги 23/9-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 7 ноябрда 1520-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
346. «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасининг ишлаб чиқариш корхоналарига фурнитура, ёрдамчи ва бутловчи материалларни сотиб олиш учун нақд пул маблағларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2005 йил 12 октябрдаги 22/3, 100-сон қарори. (*2005 йил 7 ноябрда давлат реестридан чиқарилди*)
347. «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси ва «Ўзбек қоракўли» компанияси тизимидағи ширкатлар таъсисчилари — жисмоний шахслар маблағлари ҳисобига ахолидан сотиб олинадиган тери, қоракўл ва мўйна хом ашёси учун ҳисоб-китоб қилиш тартибини ва Тижорат банклари томонидан қайта ишловчи корхоналарга сут, тирик мол, жун, корамол ва майда моллар териси, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини харид қилиш учун нақд пул бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 12 октябрдаги 22/2-сон қарори. (*2005 йил 7 ноябрда давлат реестридан чиқарилди*)
348. «Давлат улушларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар ва ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар

киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2005 йил 1 ноябрдаги 01/06-18/06-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 11 ноябрда 1394-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 7 ноябрдан 11 ноябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

337 Республика комиссиялари ва кенгашлари фаолияти-ни тартибга солиш тўғрисида

Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижроия тузилмасига киритилган ўзгартишларга мувофиқлаштириш, шунингдек улар фаолиятини тартибга солиш мақсадида:

1. Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси тугатилиб, унинг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси зиммасига юклансин.

2. Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармоннинг 1-бандидан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

3. 1-иловага* мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритисин.

4. 2-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 6 ноябрь,
ПФ-3675-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2005 йил 6 ноябрдаги ПФ-3675-сон
Фармонига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган фармонлари рўйхати

1. «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари хақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 деқабрдаги ПФ-1658-сон Фармони.

* 1-илова берилмайди.

2. «Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 23 июлдаги ПФ-2342-сон Фармонининг 6-банди.
3. «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Хукумат комиссияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 31 январдаги ПФ-3204-сон Фармони.
4. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги ПФ-3306-сон Фармонининг 1-банди.
5. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 8 январдаги ПФ-3376-сон Фармони иловасининг 2-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

338 Мустақил телерадио каналларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш, очик фуқаролик жамиятини барпо этиш, одамлар онгода демократик қадриятларни шакллантиришда мустақил оммавий ахборот воситаларини, энг аввало, алоҳида аҳамиятга эга бўлган телерадиоэшиттириш фаолиятини ривожлантириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Бугунги кунда телерадиоэшиттириш соҳаси 50 та телестудия, 13 та радиостанция, 36 та кабелли телевидение студияларидан иборат давлат ва нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини ўзига қамраб олади.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси республикадаги телерадиоэшиттириш тизимининг энг йирик субъекти бўлиб, унда хозир олти мингга яқин журналист, бошқа ижодий ва техник ходимлар меҳнат қилмоқда. Компания ўз кўрсатув ва эшиттиришларини тўртта теле ва тўртта радиоканал орқали республика худудининг 98 фоизига тарқатади, кўрсатув ва эшиттиришларнинг ўртача бир кунлик ҳажми 54 ва 93,2 соатни ташкил этади.

Кейинги йилларда кўрилган чора-тадбирлар натижасида телерадиоэшиттириш тизими мукаммал ва замонавий ишлаб чиқариш-техника базасига эга бўлди. Энг янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган холда телерадио дастурларини тарқатиш тармоғининг қабул қилиш-узатиш тизимларини реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилмокда. Телерадио кўрсатувлари ва эшиттиришларини ишлаб чиқариш ҳамда шакллантириш жараёнига замонавий рақамли ускуналар ва медиатехнологиялар тадбик этилмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг фаолияти ҳали замонавий талаб ва андозаларга тўла жавоб беради, деб бўлмайди.

Ўзбекистон телерадиокомпаниясини бошқаришнинг мавжуд тизими, бошқарув

тузилмаларидағи бир-бирини тақрорлаш ва параллелизм, телерадиоканалларнинг хукукий ва иқтисодий жиҳатдан мустақил эмаслиги телерадиоиндустрия бозорини ривожлантиришга, ғоя ва дастурларнинг ижобий рақобатига тўсик бўлмоқда. Молиялаштириш тизимининг марказлаштирилгани, телерадиоэшиттириш соҳаси мутахассисларининг ижодий ва техник хизматларига янги дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга жамоалар қўшган аниқ хиссасини хисобга олмай туриб, ҳақ тўланаётгани Ўзбекистон телерадиокомпанияси журналистлари ва бошқа ходимларининг юқори унум билан, ижодий ташаббус ва фаоллик кўрсатиб меҳнат қилишига йўл бермаяпти.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси, аввало, унинг худудий бўлинмалари кўрсатув ҳамда эшиттиришларининг профессионал даражаси, ғоявий-бадиий савияси ва сифати ҳамон пастлигича қолмоқда.

Мавжуд шарт-шароитлар телерадиожурналистларнинг мамлакатда ва жаҳонда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга ўз вақтида ва тезкорлик билан эътибор қаратиш борасидаги фаолиятнинг янада сустлашувига олиб келмоқда.

Мустақил телерадио каналларини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш, ижтимоий-сиёсий ва социал-иктисодий ислохотларни янада чукурлаштириш, ахоли ҳамда жамиятнинг ҳар томонлами ва холис ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиришда мамлакатимизнинг электрон оммавий ахборот воситалари ролини ошириш мақсадида:

1. Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг Ўзбекистон телерадиокомпаниясини Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (Ўзбекистон МТРК) этиб қайта ташкил қилиш ва унинг таркибиға куйидагиларни:

«Ўзбекистон» телеканали ва «Ўзбекистон» радиоканали негизида ташкил қилинадиган «O'zbekiston» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси;

«Спорт» телеканали ва «Машъал» радиоканали негизида ташкил қилинадиган «Sport» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси;

«Тошкент» телеканали ва «Дўстлик» радиоканали негизида ташкил қилинадиган «Toshkent» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси;

«Республика телемаркази», «Республика радио ва овоз ёзиш уйи», «Нукус телерадиомаркази» корхоналари негизида ташкил қилинадиган «Respublika teleradiomarkazi» давлат унитар корхонаси;

«Ўзбектелефильм» студияси негизида ташкил қилинадиган «O'zbekteofilm» давлат унитар корхонаси;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят телерадиокомпаниялари, шунингдек бошқа ижодий, ишлаб чиқариш-техника булинмаларини, 1-иловага* мувофиқ кириши тўғрисидаги таклифига розилик берилсан.

2. Куйидагилар Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолини, шунингдек чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий хаётида рўй бераётган, хукукий демократик давлат ва очик фуқаролик жамиятини шакллантириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, инсон хукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишига қартилган демократик ўзгаришлар тўғрисида кенг хабардор қилиш;

аҳолининг таълим ва маданий савиясини ошириш, миллий анъаналарни, тарихий ва маънавий меросни сақлаб қолиш, фуқароларнинг онгиди демократик қадриятларни шакллантириш, ёшлар ва ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, Ватанга

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

мухаббат ва умуминсоний қадриятларни хурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган телевизорлар сифатини, профессионал ва бадиий даражасини таъминлаш;

Ўзбекистон МТРК телерадиоканаллари, таркиби бўлинмалари фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, уларнинг иктисодий мустақиллигини, ахборот хизматлари бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш, телевизор кўрсатув ва эшиттиришларини ташкил қилиш жараёнига бозор механизмларини тадбик этиш, ушбу соҳага мамлакатимиз ҳамда чет эл корхоналари, ташкилотлари ва молия институтларининг сармояларини жалб қилиш;

замонавий талаблар ҳамда стандартларга мувофиқ техника базасини янада ривожлантириш, телерадиодастурлар тайёрлашга ахборот, компьютер ва медиатехнологияларни жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

Ўзбекистон МТРК бўлинмалари ижодий ва техник ходимларининг касб маҳоратини такомиллаштириш, ижодий фаоллигини ошириш мақсадида уларни самарали қайта тайёрлаш, малакасини ошириш учун зарур ташкилий шарт-шароитлар яратиш;

давлат ва нодавлат хорижий телерадиокомпаниялар, ахборот агентликлари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан телерадиоэшиттириш соҳасида ахборот алмасиш бўйича самарали халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

янгидан ташкил қилинган маъмурий, ижодий (телерадиоканаллар), ишлаб чиқариш-техник ва хўжалик тузилмалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар телерадиокомпаниялари юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил корхона ва ташкилотлар сифатида Ўзбекистон МТРК таркибига киради;

Ўзбекистон МТРК таркибига кирган давлат унитар корхоналарининг фаолияти давлат бюджети маблағлари, хомийлар ва реклама маблағлари, шунингдек, қонунда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси телевидение ва радиода реклама учун бериладиган вақтнинг (кўрсатув ва эшиттиришнинг ҳар бир соати учун 10 фойизигача) пул қўйиладиган нормаларини, шунингдек уни тарқатиш тартибини белгилаб берадиган қонун ҳужжатлари талабарининг телерадиоканаллар, ўзига қарашли ташкилот ва корхоналар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Ёшлар» телеканали ва «Ёшлар» радиоканали негизида «Yoshlar» телерадиоканали» ёпиқ акциядорлик жамияти ташкил қилинсин.

Белгилансинки:

«Yoshlar» телерадиоканали» ёпиқ акциядорлик жамияти акцияларининг 51 фоизи давлат мулки ҳисобланади, 49 фоизи эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланадиган тартибда юридик шахсларга — Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун эркин сотувга қўйилади;

«Yoshlar» телерадиоканали» ЁАЖда акцияларнинг давлат улушкини бошқариш ҳуқуқи Ўзбекистон МТРКга топширилади;

«Yoshlar» телерадиоканали» ЁАЖ фаолиятига Васийлик кенгashi раҳбарлик қилади, унинг таркибига Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг раиси ҳам киради;

«Yoshlar» телерадиоканали» ЁАЖни бюджетдан молиялаштиришни камайтириш

ва ўзини-ўзи тўла таъминлашга ўтказиш 2010 йилгача (ҳар йили — 20%дан) босқичма-босқич амалга ошириб борилади, мазкур даврда факат давлат бюджети хисобидан молиялаштириладиган корхоналар, муассаса ва ташкилотларга қонунчиликда белгиланган имтиёзлар сақлаб қолинади.

5. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг ушбу Фармон 2-бандида белгиланган энг муҳим вазифалари билан бир қаторда қўйидагилар асосий устувор йўналишлар этиб белгилансин:

«O'zbekiston» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси учун:

давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати соҳасидаги энг муҳим қарорлари, мамлакатни демократлаштириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган, ҳуқуқий демократик давлатни, очик фуқаролик жамиятини шакллантиришга, инсон ҳуқуклари ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ислохотлардан мамлакат ахолиси, шунингдек чет эл жамоатчилигини ҳар томонлама ва холис хабардор қилиб бориш;

умумиллий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-сиёсий ва социал муаммолар — иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги, тадбиркорлик, фермерлар ҳаракати, соғлиқни саклаш, таълим, маданият ҳамда ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш масалаларини кенг ёритиш;

фуқароларнинг таълим даражасини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва социал-иктисодий ҳаётининг энг муҳим йўналишлари бўйича уларнинг ўз фикрини баён қилиши билан боғлиқ муаммоларни кенг муҳокама қилиш, телевизион- ва радиодастурлар тайёрлаш;

халқимизнинг бой маданий ва маънавий меросини сақлаб қолишга, фольклор-этнографик анъаналарни ривожлантиришга, миллий ҳамда жаҳон адабиёти, мусики, театри, киноси, тасвирий санъатининг энг яхши намуналари билан таништиришга қаратилган муҳим ижтимоий, гуманитар-маърифий телекўрсатув ва радиоэшиттиришларини ташкил қилиш.

«Sport» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси учун:

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни қўллаб-кувватлаш ҳамда ривожлантиришга, мамлакатимиз ва чет эллардаги муҳим спорт тадбирларини, республикализм спортчиларининг ютуқларини ёритишга йўналтирилган телерадио кўрсатув ва эшиттиришларини тайёрлаш, соглом турмуш тарзини кенг оммалаштириш, болалар спорти ва оиласиий спортни оммавий равишда ривожлантириш, жамиятдаги барча ижтимоий гурухларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, дам олишнинг фаол ва ижтимоий фойдали шаклларини ташкил қилиш, оммавий равишда ривожлантиришга, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини қайта тиклаш ҳамда ривожлантиришга бағишлиланган телевизион- ва радиодастурларни тайёрлаш;

хорижий телерадиокомпанияларнинг энг яхши дастурларини, шу жумладан жаҳон спорти, олимпия ҳаракати тарихига, халқаро спорт ташкилотлари фаолиятига бағишлиланган дастурларини олиб кўрсатиш;

республика ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларини тўғридан-тўғри трансляция қилишни ташкил этиш;

«Toshkent» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси учун:

Ўзбекистон пойтахти ва Тошкент вилоятининг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётини, бу ерда содир бўлаётган ижтимоий аҳамиятга молик бошқа катта воқеалар ва тадбирларни ёритиш;

маҳаллий ҳокимият ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг мамлакат пойтахтини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг муҳим муаммоларини ҳал этиш, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг конституция-

вий хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини самарали ташкил қилиш масалаларига бағишиланган дастурлар тайёрлаш;

Тошкент шахри ва Тошкент вилоятининг кўп миллатли ахолиси манфаатлари ни хисобга олган ҳолда ахборот-гуманитар, ўкув, маданий-маърифий кўрсатув ва эшиттиришларини ташкил қилиш.

«Yoshlar» телерадиоканали» ёпиқ акциядорлик жамияти учун:

мамлакатни демократик янгилаш, инсон хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ва социал-иктисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларида ёшларнинг иштирокини кенг ёритиш;

умумисоний қадриятларни тарғиб қилиш, ўигит ва қизларни халқимизнинг тарихий анъаналари, маънавий қадриятлари, миллӣ маданиятимиз ва жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқлари асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, маърифатли, билимли ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз замонавий ёшларининг ички маънавий дунёсини намоён этишга йўналтирилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тайёрлаш;

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий харакати ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ёш авлоднинг фаол ҳаётий позициясини шакллантиришга қаратилган республика ва халқаро миқёсдаги турли телевизион, радиофестивалларни ташкил қилиш.

Ўзбекистон МТРКнинг асосий вазифаларини, шунингдек телерадиоканаллар ўртасида телевизион, радиомахсулот сифатини, бадиӣ ва профессионал савиясини оширишга, ахолининг хилма-хил ва ишончли ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган дастурлар ва ижодий фояларнинг соғлом рақобатини ривожлантириш заруратини хисобга олган ҳолда, ушбу бандда кўрсатилган устувор йўналишларини муттасил чукурлаштириб, кенгайтириб ва янгилаш бориши ўзбекистон МТРКнинг энг муҳим вазифаси деб белгилансин.

6. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Respublika teleradiomarkazi» давлат унитар корхонаси давлат мулки хисобланувчи ва телерадиотузилмаларга шартнома асосида берилувчи телерадиомахсулот ишлаб чиқариш воситалари, энерготаъминот объектлари, узатиш қурилмалари Ўзбекистон МТРКнинг бино ва муҳандислик-техник иншоотларининг асосий фондига эгалик қилувчи ташкилот хисобланиши белгилаб қўйилсан.

Қўйидагилар «Respublika teleradiomarkazi» давлат унитар корхонасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон телерадиоташкилотларига, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар, телевизион, радиомахсулот ишлаб чиқариш ва эфирга тайёрлаш бўйича, шу жумладан йўлдош тизимларидан, кўчма телевидение ва радиостанциялардан фойдаланган ҳолда шартнома асосида техник, технологик, сервис ва бошқа хизматлар кўрсатиш;

телерадиомахсулот ишлаб чиқариш жараёнига дастурларнинг бадиӣ савияси ва сифати юкори бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот, компьютер ва мениджмент технологияларни тадбиқ этиш;

телерадиомахсулотлар ишлаб чиқариш моддий-техника базаси, воситалари, узатиш қурилмалари, бинолар ва антенна иншоотларидан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, модернизациялаш ва янада ривожлантириш, уларни энергия билан узлуксиз таъминлаш.

Белгилансинки, янги ташкил этилаётган телерадиоканаллар, ижодий бўлинмалар ихтиёрига таҳририят ишини ташкил этиш учун зарур бўлган оргтехника, мебель анжомлари ва бошқа мулк берилади.

7. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг ташкилий тузилмаси ва Низоми 2 ва 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансанки, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига хисобот беради.

Ўзбекистон МТРК раисига ходимларнинг чекланган сони доирасида ташкилий тузилмага ўзгартишлар киритиш ҳуқуки берилсан.

8. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси:

Иқтисодиёт вазирлиги (У. Розиқулов), Молия вазирлиги (С. Раҳимов), Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси (М. Асқаров) билан биргаликда икки ҳафта муддатда ушбу Фармон талабларига мувофиқ Ўзбекистон телерадиокомпаниясини қайта ташкил этиш ва унинг негизида мустакил телерадиотузилмалар ташкил килиш Дастиурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Махкамасига киритсан;

Ўзбекистон телерадиокомпаниясини қайта ташкил этиш жараёнида телерадио-эшиттириш тизимининг узлуксиз ва сифатли фаолият кўрсатишини таъминласин;

Ўзбекистон телерадиокомпаниясини қайта ташкил этиш учун зарур норматив-хукукий хужжатлар, техник-иктисодий асосларни тайёрлаш бўйича ишларни ташкил этсан;

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А. Азизхўжаев), Молия вазирлиги (С. Раҳимов) билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон телерадиокомпанияси таркибидаги бадиий жамоаларни 4-иловага* мувофиқ меҳнат ҳақи фонди билан бирга белгиланган тартибда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфига ўтказсан.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А. Азизхўжаев) вазирлик тизимида Ўзбекистон МТРК томонидан ўтказиладиган бадиий жамоалардан иборат Ижодий ўюшма ташкил этсан, уларнинг таркиби, ижодий фаолият йўналиши сақлаб қолинсан ва тўлақонли фаолият юритиши учун шарт-шароитлар яратилсан;

Ўзбекистон МТРК билан биргаликда Ижодий ўюшма ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўртасида ижодий ҳамкорликнинг узок муддатли дастури ва ҳар йили тузиладиган шартномалар асосида ушбу Фармоннинг 8-бандида кўрсатилган ижодий жамоаларнинг теле-, радиоканаллардаги чиқишиларини таъминласин.

10. Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси (М. Асқаров) Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда уч ой муддатда:

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг тақсимот балансларини тайёрласин ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг янги ташкил этиладиган давлат унитар корхоналарига белгиланган тартибда мулкни топшириш-қабул қилиш ишларини амалга оширсан;

муассислар йиғилишини ўтказиб, мулкни инвентаризация қилсан ва ташкил этилаётган «Yoshlar» телерадиоканали» ёпиқ акциядорлик жамияти низом жамғармасини қонунда белгиланган тартибда шакллантирсан.

11. Молия вазирлиги (С. Раҳимов), Иқтисодиёт вазирлиги (У. Розиқулов) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясини ва унга қарашли тузилмаларни молиялашиб тартиби ва сметасига, шунингдек ушбу Фармон талабларини хисобга олган ҳолда унинг моддий-техника базасини ривожлантариш ва модернизация қилиш инвестиция дастурларига тегишли ўзгартишлар киритсан.

12. 2010 йил 1 январигача бўлган давр мобайнида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва унинг таркибига киравчи корхона ва ташкилотлар даромад солиғидан, шунингдек импорт қилинадиган ускуна ва материалларга божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви йигимларидан ташқари) озод этил-

* 2—4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

син, бўшайдиган маблағлар уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилсин.

Молия вазирлиги (С. Рахимов) мазкур имтиёзлар берилиши натижасида оли-надиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсан.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 7 майдаги ПФ-1462-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Б. Мустафоев) бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда норматив-хуқуқий хужжатларга ушбу Фармондан келиб чиқадиган тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритсан.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси бир ой муддатда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари бўйича қарор қабул қиласин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 ноябрь,
ПФ-3678-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

339 2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

[Кўчирма]

Республикада фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун зарур шартшароитлар яратиш мақсадида, шунингдек зарар кўриб ишлатгандан, паст рентабелли ва истиқболсиз қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш Дастурига мувофиқ:

1. Кишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокимларни билан биргаликда тайёрланган қўйидаги:

1-иловага* мувофиқ, зарар кўриб ишлатгандан, паст рентабелли ва истиқболсиз қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни 2006 йилда фермер хўжаликларига айлантириш;

* 1-илова берилмайди.

2-иловага* мувофиқ, 2006 йилда қайта ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ҳудудида ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси обьектларини барпо этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Қишлоқ хўжалигига иктисодий ислоҳотларни чукурлаштириш бўйича Республика комиссиясига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда қайта ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) рўйхатини кенгайтириш бўйича тегишли ўзгартишлар киритиш хукуки берилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбарлари зиммасига:

1-иловага мувофиқ икки ой муддатда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантиришни Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Конуни талабларига тўла мувофиқ тарзда амалга оширилиши;

фермер хўжаликларини ташкил этишга даъвогарлар ўртасида очиқ ва ошкора танловлар ўтказилиши, ғолибларни аниқлашда холислик ва ҳаққонийлик тамойиллари қатъий таъминланиши;

ширкат хўжаликларини тугатиш ишлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз вақтида ва тўлиқ якунланиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Вазирлар Мажкамаси (Ш.М. Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

2006 йилда қайта ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ҳудудида барпо этиладиган ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси обьектлари 2-иловага қатъий мувофиқ равишда жойлаштирилишини бир ой муддатда аниқласин ва уларни ташкил қилиш устидан назоратни таъминласин;

«Ўздонмаҳсулот» АК бўлинмалари билан қайта ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари) ўртасида аввал тузилган шартномаларга тенг ҳажмда давлат эҳтиёжлари учун 2006 йил ҳосилидан бошокли дон харид қилиш учун янги ташкил этилган фермер хўжаликлари билан шартномалар имзоланишини таъминласин;

1-иловага мувофиқ қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш натижасида бўшайдиган ходимлар иш билан таъминланишини ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси телевидение ва оммавий ахборот воситаларида фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг фаолияти, қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш масалаларини ёритиш бўйича маҳсус кўрсатув ва рукнлар ташкил этсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 ноябрь,
ПҚ-215-сон

* 2-илова берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

340 Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Инвестиция дастури тўғрисида

Республика иқтисодиётида таркибий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини авж олдириш ва ишлаб чиқаришни хусусийлаштириш, модернизациялаш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкция килиш дастурларини амалга ошириш, ишчи кучи кўп бўлган монтакаларда янги иш жойларини яратиш, Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва динамик тарзда ривожлантиришга эришиш учун хорижий кредит маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Инвестиция дастури асосий параметрлари хамда ижтимоий соҳа объектларини фойдаланишга топшириш прогнози 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ маъқуллансин. Уларда инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантиришга, корхоналарни модернизация килиш ва технологик жиҳатдан янгилашга, ишга тушириладиган объектлар курилишини нихоясига етказиш ва тугалланмаган қурилишлар ҳажмини қисқартиришга жамланиши назарда тутилади.

2. Қўйидагилар тасдиқлансан:

давлат бюджети маблағлари хисобидан 2006 йилги марказлаштирилган капитал маблағлар лимитлари 3-иловага мувофиқ*;

бюджетдан ташқари Республика мактаб таълими жамғармаси маблағлари хисобидан 2006 йилги марказлаштирилган капитал маблағлар лимитлари За-иловага* мувофиқ;

бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси маблағлари хисобидан 2006 ва 2007 йилларда автомобиль йўллари қуриш хамда реконструкция килиш дастурини амалга ошириш учун марказлаштирилган капитал маблағлар лимитлари 4 ва 4а-иловаларга* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати билан хорижий кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган 2006 йилги инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастури 5-иловага* мувофиқ.

3. Қўйидагилар маъқуллансин:

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган 2006 йилги инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастури 6-иловага* мувофиқ;

устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхати 7-иловага* мувофиқ.

4. Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар — буюртмачилар:

2005 йилнинг 1 декабригача Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда 2006 йилда янгидан бошланадиган объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилишини хамда пудрат ташкилотлари билан биргаликда 2006 йилнинг 1 январигача бўлган ҳолатга кўра кейинги йилга ўтувчи объектларнинг қолдиқ қийматини қайта хисоблаб чиқишни таъминласинлар;

* 1—7-иловалар берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органларига, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкларга расмийлаштириш ҳамда молиялашни очиш мақсадида тақдим қилиш учун танлов савдоларининг натижаларига кўра янгидан бошланадиган обьектлар бўйича белгиланган муддатларда пудрат шартномалари тузилишини таъминласинлар ва қурилишларнинг титул рўйхатларини тасдиқласинлар;

2005 йилнинг 15 декабригача 2006 йилги қурилишларнинг узил-кесил аниқ рўйхатларини келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига тақдим этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки хафта муддатда обьектлар бўйича 2006 йилги қурилишларнинг буюртмачилар томонидан тақдим этилган аниқ рўйхатларини кўриб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг мажлисида муҳокама қилиш ва маъқуллаш учун ўз таклифларини берсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 2006 йилнинг 1 январигача 2006 йилги инвестиция дастури бўйича қарор кабул қилсан, бунда қурилиши ту-галланмаган обьектларни қисқартиришга ва маблағларни юқори даражада тайёр ҳолда ишга тушириладиган обьектларга жамлашга, уларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши учун буюртмачилар ва пудратчиларнинг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси «Давархитекткурилиш» қўмитаси:

ложиҳа ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати, шаҳар қурилиши тўғрисидаги конун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари, қоида ва стандартларига инвестиция лойихалари амалга ошириладиган давр мобайнода риоя этилиши устидан назоратни амалга оширсин;

танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартнома мажбуриятлари ижроси мониторинги олиб борилишини, марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган обьектлар қурилиши муддатлари ва шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан назорат амалга оширилишини таъминласин.

2006 йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича мониторинг натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига маълумот бериб турилсин.

8. Хорижий сармоялар иштирокидаги йирик ва муҳим стратегик инвестиция лойихаларини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг қўшма тақдимномаси бўйича 2006 йил мобайнода тасдиқланган Инвестиция дастурининг умумий параметрлари доирасида инвестиция лойихаларининг аниқ дастурига ва айrim буюртмачилар бўйича капитал маблағлар лимитларига аниқликлар киритиш, шу жумладан инвестиция лойихаларини йиғма рўйхатдан аниқ дастур қисмига ёки аниқ дастурдан йиғма рўйхатга ўтказиш хуқуқи;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган лимитлар доирасида ўтказилган танлов савдолари ҳамда айrim қурилиш ва обьектлар бўйича маблағларнинг амалда ўзлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда буюртмачилар қурилишларнинг аниқ рўйхатига ўзгартишлар киритиш хуқуқи берилсин.

9. Белгилансинки, марказлаштирилган капитал маблағлар ҳисобидан бажариладиган инвестиция лойихаларини амалга ошириш жараёнида лойиҳа ёки эксперт ташкилотининг айби билан ўйларни қўйилган қўшимча ҳажмдаги иш ва харажатлар аниқланган тақдирда мазкур лойиҳани ишлаб чиқиш ёки экспертизадан ўтказиш

учун тўланган пулнинг ҳаммаси ана шу ташкилотлардан давлат бюджети даромадига олиб қўйилиши лозим.

10. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, ракобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда марказлаштирилган капитал маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган капитал қурилишда нархларнинг шакллантирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин ва бажарилётган ишларнинг натижаларини ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб турсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари В.А. Голишев ва Н.М. Ханов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 ноябрь,
ПҚ-216-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

341 Айрим республика комиссиялари ва кенгашлари таркибиға ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасига қисман ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 25 июлдаги ПҚ-131-сон қарорига мувофиқ ҳамда республика комиссиялари ва кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ҳукуматнинг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 7 ноябрь,
244-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 7 ноябрдаги 244-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йилда давлат эҳтиёjlари учун озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турларини харид қилиш тўғрисида» 1999 йил 9 январдаги 10-сон қарорининг 4-банди.
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида» 2000 йил 17 февралдаги 57-сон қарорининг 2 ва 3-бандлари.
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалири бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» 2003 йил

* 1-илова берилмайди.

30 июндаги 294-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 53-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш ва маҳсулот тақсимотига оид битимлар лойихаларини кўриб чиқиш бўйича маҳсус давлат комиссиясининг таркиби тўғрисида» 2003 йил 30 июндаги 295-сон қарорига 1-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 52-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига 22-илова.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Дон экинла-ри хосилдорлигини ошириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 21 октябрдаги 492-сон қарори 2-бандининг учинчи—бешинчи хатбоши ҳамда қарорга 3-илова.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Аму-Занг машина канали тизимини тиклаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 22 октябрдаги 494-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбоши, 5-банди ҳамда қарорга 4-илова.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳамда баъзиларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 22 февралдаги 73-сон қарорига 2-илова 17-бандининг иккинчи хатбоши, 36-бандининг ўн олтинчи, ўн саккизинчи, йигирма иккинчи ва йигирма олтинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 13-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

342 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 19 сентябрдаги ПҚ-183-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 19 сентябрдаги ПҚ-183-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи:**

Кўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари билан савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 31 октябрдаги 433-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 10-сон, 61-модда) 3-банди;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим

қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2004 йил 13 апрелдаги 174-сон қарорига илованинг 2-банди ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 10 ноябрь,
246-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

343 Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиши тартибга солишини такомиллаштириш тўғрисида

Озонни бузувчи моддалардан фойдаланишини тўхтатиш миллий дастурини амалга оширишга йўналтирилган Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиши такомиллаштириш ва давлат томонидан бошқариш чора-тадбирларини тартибга солиши мақсадида, шунингдек Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизимида (2002 йилги версия) асосланган Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Кўйидагилар:

Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиши Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан бериладиган руҳсатномалар бўйича амалга ошириладиган Озонни бузувчи моддалар рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

Агар таркибида озонни бузувчи моддалар бўлса Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиши Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан бериладиган руҳсатномалар бўйича амалга ошириладиган маҳсулотлар рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиши тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага* мувофиқ;

2005—2030 йиллар даврида озонни бузувчи моддаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришга квоталар 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. 1985 йилги Озон қатламини химоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси ва 1987 йилги Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреаль протоколи Томонлари хисобланган мамлакатлардан:

5-иловага* мувофиқ озонни бузувчи моддаларни;

* 1—5-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

мазкур қарорга 1 ва 5-иловаларнинг А рўйхати I гурухида кўрсатилган озонни бузувчи моддалардан фойдаланиладиган совутгич ускуналари ва хаво ҳароратини бирхиллаштирувчи қурилмаларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тақиқлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Озон қатламини химоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 24 январдаги 20-сон қарорига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида» 2000 йил 14 марта-ги 90-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 3-сон, 12-модда) ўз кучини ўйқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йигма ахборот-таҳлил департаментига ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 ноябрь,
247-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

344 Топширилган пахта ҳосилидан фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига тегишли бўлган пахта истеъмол ёғи, шелуха ва кунжарани етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
7 ноябрда 1519-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 17 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 февралдаги 93-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тўғрисида»ги низомга асосан, **буюраман:**

1. Топширилган пахта ҳосилидан фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига тегишли бўлган пахта истеъмол ёғи, шелуха ва кунжарани етказиб бериш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш бош бошқармаси (О. Ибрагимов), Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий ўзгартириш ва фермер хўжаликларини ривожлантириш бошқармаси (Ф. Исомиддинов), Иқтисодий ислоҳотларни норматив-методик базасини такомиллаштириш бошқармаси (Ш. Қаршиев) З кун муддат ичida мазкур буйруқни Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилсинлар ва расмийлаштирилгандан сўнг кўлланма учун жойларга етказилишини таъминласинлар.

3. Мазкур буйруқ Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан сўнг кучга киради.

4. Мазкур буйруқ кучга киритилган вақтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2003 йил 6 июндаги «Пахта хом ашёсини саноат йўли билан қайта ишлаш натижасида олинадиган пахта истеъмол ёғи, шелуха ва кунжарани хўжаликларга қайтариш тартиби ҳақида низом»ни тасдиқлаш тўғрисидаги 89-сонли буйруфи (2003 йил 11 июнь, рўйхат рақами 1249 — Меъёрий хужжатлар ахбортономаси, 2003 йил июнь, 11-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Жўраев зиммасига юклатилсин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 6 ноябрь,
223-сон

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
2005 йил 6 ноябрдаги 223-сонли
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Топширган пахта ҳосилидан фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги
корхоналарига тегишли бўлган пахта истеъмол ёғи, шелуха ва
кунжарани етказиб бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 февралдаги 93-сонли карорига мувофиқ пахта етиштирувчи фермер хўжаликлири ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари таркибидаги ички хўжалик бўлинмаларига (келгусида — пудратчи ва бошқа бўлинма) пахта истеъмол ёғи, шелуха ва кунжара (келгусида ёғ-мой маҳсулотлари)ни етказиб бериш тартибини белгилайди.

1. Пахта етиштирувчи хўжаликлар томонидан амалда сотилган пахтани қайта ишлашдан ҳосил бўлган ўсимлик мойининг 50 фоизи, кунжара ва пахта шелухасининг 70 фоизи улар ихтиёрида қолади.

2. Ёғ-мой корхоналари туман ҳокимлиги билан келишган ҳолда ҳар бир туманда фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг сони, худудий жойлашувидан келиб чиккан ҳолда ёғ-мой маҳсулотлари етказиб бериш учун бир ёки бир нечта шохобчалар очади.

3. «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг худудий бирлашмалари билан биргаликда пахта тозалаш корхоналарини техник чигит етказиб бериш бўйича ёғ-мой корхоналарига биринтириш дислокациясини тузади.

4. Пахтани қайта ишлаш корхоналари фермер ва ширкат хўжаликлари томонидан контрактация шартномалари бўйича етиштирилган пахта хом ашёси ва ундан олинадиган техник чигит (уруглик пахтадан ташқари) миқдори кўрсатилган реестрни (рўйхатни) 10 ноябряга қадар вилоят «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмасига тақдим этади. Вилоят «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси умумлаштирилган реестрни (рўйхатни) ва техник чигитни юклаб жўнатиш жадвалини 15 ноябряга қадар тегишли ёғ-мой корхоналарига тақдим этади.

5. Ширкат хўжаликлари 5 ноябряга қадар хўжаликдаги пудратчи ва бошқа бўлинмалар бўйича, сотилган пахта хом ашёси (уруглик пахтадан ташқари) миқдори кўрсатилган рўйхатни пахтани қайта ишлаш корхонасига тақдим этади. Пахтани қайта ишлаш корхоналари ушбу рўйхат бўйича етиштирилган пахта хом ашёсидан олинган техник чигит миқдори кўрсатилган ҳолдаги реестрни 10 ноябряга қадар вилоят «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмасига тақдим этади. Вилоят «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси умумлаштирилган реестрни (рўйхатни) ва техник чигитни юклаб жўнатиш жадвалини 15 ноябряга қадар тегишли ёғ-мой корхоналарига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

6. Пахтасаноат акциядорлик бирлашмаси томонидан берилган умумлаштирилган реестр (рўйхат) якуний бўлиб, ёф мой маҳсулотларини хўжаликларга етказиб бериш бўйича ёф-мой корхоналарига шартномани тузиш учун асос ҳисобланади.

7. Ёф-мой корхоналари 1 декабргача фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари билан шартномалар тузади.

8. Фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига истеъмол ёфи, шелуха ва кунжара маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан шартномани тузиш ва маҳсулот учун зарур бўлган барча хужжатларни расмийлаштириш шохобчаларда амалга оширилади.

9. Фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари пахта истеъмол ёфи, шелуха ва кунжара маҳсулотларини олишни рад этишга ёки бир турдаги маҳсулот олишни рад этиб, ўзига тегишли бошқа турдаги маҳсулотни олишга ҳақлидир. Бунда тегишли фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг раҳбарларининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ёзма розилик хатларига асосан, олинмаган маҳсулот туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, туман фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллиги ва туман ҳокими билан келишилган ҳолда белгиланган нархларда бошқа харидорларга (биринчи галда туман аҳолисига нақд пулга) сотилади.

10. Пахтани қайта ишлаш корхоналаридан техник чигитни ёф-мой корхоналарига жўнатиш худудий «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси, пахтани қайта ишлаш ҳамда ёф-мой корхоналари ўртасида тузилган шартномаларга ҳамда унга илова қилинган юклаб жўнатиш жадвалига асосан амалга оширилади.

11. Ёф-мой корхоналари тузилган шартномага асосан олинадиган техник чигит учун олдиндан пул ўтказиш ўйли билан ҳисоб-китоб қиласи.

Пахтани қайта ишлаш корхоналари ишлаб чиқарилган жами техник чигитни ёф-мой корхоналарига тўлиқ ҳажмда жўнатишлари шарт.

12. Ёф-мой корхоналарига юборилаётган техник чигитнинг ҳамда уни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган ва қайтариб берилаётган пахта истеъмол ёфи, шелуха ва кунжаранинг сифат кўрсаткичлари давлат стандартлари ва техник шартлари талабларига мос бўлиши зарур.

Қайта ишлаш учун юборилаётган техник чигитга, шунингдек қайтариб берилаётган пахта истеъмол ёфи, шелуха ва кунжарарага уларнинг мувофиқлик сертификати илова қилиниши шарт.

13. Етказиб берилиши лозим бўлган пахта истеъмол ёфи, шелуха ва кунжаранинг шартномада кўрсатиладиган ҳажми, ушбу маҳсулотлар чиқишининг сўнгги уч йиллик ўртacha кўrсаткичлари асосида белгиланиши мумкин. Ёф-мой корхоналари корхонадаги уч йиллик ўртacha кўrсаткичлар тўғрисида вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоят вакиллигига маълумот тақдим қиласи.

Олувчи талабига асосан шартномада кўrсатилган маҳсулотларнинг чиқиш ҳажмлари, техник чигитни қайта ишланган даврдаги ёф-мой корхонасининг ҳақиқий кўrсаткичлари асосида қайта аниқланиши мумкин.

14. Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига тегишли бўлган ёф-мой маҳсулотлари ҳақи белгиланган тартибда олинадиган маҳсулот ҳажмига олдиндан пул ўтказиш ўйли билан тўлов амалга оширилгандан ёки товарларнинг етказиб бериладиган ҳар бир туркуми учун чақириб олинмайдиган аккредитив қўйилгандан сўнг шохобчалар орқали берилади.

Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг топшириғига биноан ёки ишончномалари бўйича уларга етказиб бериладиган пахта истеъмол ёфи, шелуха ва кунжарани бошқа хўжалик юритувчи субъектларга сотилиши тақиқланади.

15. Ширкат хўжалиги томонидан олинадиган ёғ-мой маҳсулотлари оилавий пудратчи ва бошқа хўжалик бўлинмаларига тўлиқ равиша етказиб берилади.

16. Ёғ-мой маҳсулотларини сотиш баҳоси, маҳсулотни келтириш билан боғлиқ транспорт харажатлари қўшилган ҳолда хисобланади. Ёғ-мой маҳсулотларини сотиш баҳосига бошқа харажатлар ва фойдани қўшишга йўл қўйилмайди.

17. Фермер ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ушбу Низомда ва тузилган шартномаларда белгиланган микдордаги ҳақни тўланганлигини тасдиқловчи тўлов хужжатини тақдим этгандан кейин 1 кунлик муддат ичиди хўжаликлар берилган ишончномага асосан шохобчалардан тегишли маҳсулотларни оладилар.

Махсулот олиш учун бошқа хужжатлар ёки турли розиликлар (имзолар) талаб қилиниши қатъиян ман этилади.

Хисоб рақамида маблағи бўлмаган ширкат хўжаликларининг пудратчи ва бошқа ички хўжалик бўлинмаларига тегишли бўлган ёғ-мой маҳсулотлари шохобчаларда нақд пулга ўрнатилган тартибда сотилади.

Ширкат хўжаликлари томонидан хўжаликдаги пудратчи ва бошқа бўлинмалар бўйича, сотилган пахта хом ашёси (уруғлик пахтадан ташқари) микдори кўрсатилган, ёғ-мой корхонасига тақдим этилган рўйхат ёғ-мой маҳсулотарини пудратчи ва бошқа бўлинмаларига сотиш учун асос хисобланади. Бунда улардан маҳсулот олиш учун бошқа хужжатлар ёки турли розиликлар (имзолар) талаб қилиниши қатъиян ман этилади.

18. Фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ёғ-мой маҳсулотларини Низомнинг 2-банди билан кўзда тутилган дислокацияга мувофиқ тўғридан-тўғри ёғ-мой корхоналаридан олишлари мумкин.

19. Фермер хўжаликларига ёғ-мой маҳсулотларини етказиб берилиши бўйича туман фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан, ширкат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига маҳсулотларнинг етказиб берилиши бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан мониторинг юритилади ва ушбу ҳақда ҳар 15 кунда тегишли юкори ташкилотга маълумот тақдим этиб борилади.

20. Мазкур Низом Иқтисодиёт вазирлиги, «Ёғмойтамакисаноат», «Ўзпахтасаноат» ҳамда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмалари билан келишилган.

Иқтисодиёт вазири ўринбосари А. САЛИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 октябрь

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раиси М. ХУДОЁРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 октябрь

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси Э. ЗИКРИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 октябрь

Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С. ҚОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**345 Тижорат банклари томонидан ширкат ва фермер хў-
жаликларига уларга тегишли пахта ёғи, шрот ва
шелухани ёғ-мой корхоналари ва уларнинг шохобчаларидан
ўз вақтида харид килишлари учун кредит бериш тартиби
тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
7 ноябрда 1520-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 17 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қону-
ни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 18 октябр-
даги 03-4-124-сонли Мажлис баёнига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор
қиласди:**

1. Тижорат банклари томонидан ширкат ва фермер хўжаликларига уларга тегишли пахта ёғи, шрот ва шелухани ёғ-мой корхоналари ва уларнинг шохобчаларидан ўз вақтида харид килишлари учун кредит бериш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 22 октябрь,
23/9-сон

Марказий банк Бошқаруви томонидан
2005 йил 22 октябрда 23/9-сон билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тижорат банклари томонидан ширкат ва фермер хўжаликларига
уларга тегишли пахта ёфи, шрот ва шелухани ёғ-мой
корхоналари ва уларнинг шохобчаларидан ўз вақтида харид
қилишлари учун кредит бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажлис баёнига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ширкат ва фермер хўжаликларига уларга тегишли пахта ёфи, шрот ва шелухани ёғ-мой корхоналарининг шохобчаларидан ўз вақтида харид қилишлари учун кредит бериш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

- Ушбу кредитлар тижорат банклари томонидан ширкат ва фермер хўжаликларига уларга тегишли пахта ёфи, шрот ва шелухани ёғ-мой корхоналарининг шохобчаларидан ўз вақтида харид қилишлари учун қайтаришилик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади.
- Тижорат банклари ушбу кредитларни қарз олувчиларга шартнома асосида 90 кунгача бўлган муддатга берадилар. Кредитлар мижознинг асосий талаб қилиб олингунча депозит хисобвараги жойлашган манзил бўйича берилади. Ушбу кредитларни иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит хисобвараги очилган банк томонидан берилишига рухсат берilmайдi.
- Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари микдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра кредит шартномаси асосида белгиланади.
- Кредит суммаси ширкат ва фермер хўжаликларига улар контрактация шартномаси асосида тайёрлов корхонасига сотган пахта хом ашёсидан олинган ва ушбу хўжаликларга ажратилган пахта ёфи, шрот ва шелуха суммасидан ошмаган микдорни ташкил этади.
- Кредитлар тижорат банкларининг ўз кредит ресурслари хисобидан берилади.

II. Кредитларни расмийлаштириш тартиби

- Ширкат ва фермер хўжаликлари кредит олиш учун уларнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит хисобварагига хизмат кўрсатаётган банкка ариза билан мурожаат этадилар.

Аризага қўйидаги хужжатлар илова қилинади:

тайёрлов ташкилотлари билан тузилган контрактация шартномалари нусхалари;

дебитор-кредитор қарзлар тўғрисида маълумотнома (2-шакл), молиявий натижалар тўғрисида хисобот (2-шакл);

кредит қайтарилиши таъминоти тўғрисидаги хужжат.

7. Олинган кредитни қайтармаслик хатарининг олдини олиш мақсадида қарз

олувчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга эга бўлиши керак. Қарз олувчилар банкка қўйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этишлари мумкин:

мулк ёки қимматли қофозлар гарови;
банк ёки суфурта ташкилоти кафолати;
учинчи шахснинг кафиллиги;

суфурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслик хатарини суфурта қилингани тўғрисидаги суфурта полиси;

8. Банклар, ўзлари билан доимий алоқага эга бўлган, банк ҳисоб рақамида мунтазам пул оқими мавжуд, яхши обрў ва кредит тарихига эга қарз олувчиларга, мазкур Тартибнинг 7-бандида кўрсатилган таъминотни талаб қилмай, ишончли кредит бериш хуқуқига эгадирлар.

9. Кредитларни қайтарилиш таъминоти шаклларидан бири сифатида мол-мулк гарови хизмат килади. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Конунига мувофиқ, муомаладан чиқарилган буюмлардан ташқари, ҳар қандай мулк гаров предмети бўлиши мумкин.

10. Кредит сўраб, мазкур Тартибнинг 6-бандида кўрсатилган барча зарур хужжатлар илова қилинган ҳолда, берилган ариза банкка келиб тушган кундан бошлаб, ушбу ариза бўйича банк томонидан кредит бериш ёки бермаслик тўғрисидаги карорини бериш муддати 5 иш кунидан ошмаслиги лозим.

Банк кредит қўмитаси томонидан кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда, у раддияни ёзма шаклда изоҳлаб бериши шарт.

11. Кредит шартномаси кучга киргандан сўнг, кредит бўлими ходими, муддати ва фойз ставкасини кўрсатган ҳолда, ссуда ҳисобварафи очиш тўғрисида бухгалтерияга кўрсатма беради ва кейинги иш кунидан кечиктирмасдан қарз олувчига ссуда ҳисобварафи очилади.

III. Кредитлаш ва кредитни қайтариш тартиби

12. Қарз олувчининг ссуда ҳисобварафидан тўловлар нақд пулсиз шаклда пахта ёфи, шрот ва шелухани сотиб олиш учун факат қарз олувчиларнинг тўлов топшириқномаларига асосан амалга оширилади.

13. Берилган кредитлар бўйича кредит бўлими ходимининг фармойишига кўра муддатли мажбуриятномалар расмийлаштирилади ва улар кредитлаш муддатларига қараб, тўла қайтарилганига қадар тегишли кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

14. Тижорат банклари томонидан кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторинг амалга оширилади ва у қарз олувчи томонидан унинг лойиҳаси ва кредит шартномаси шартларининг амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашишга қаратилган бўлиши лозим.

15. Берилган кредитдан бошқа мақсадда фойдаланганлик ҳолати аниқланганда, банк кредит шартномасида белгиланган тартибда, кредитнинг мақсадга номувофиқ ишлатилган қисмини қарз олувчининг асосий талаф қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамидан муддатидан олдин ундириб олиши мумкин.

16. Қайтариш муддати етиб келганда ва қарз олувчининг пул маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, кредит муддати ўтган ссудалар ҳисоб рақами орқали ундириб олишга тақдим этилади, у бўйича муддатли мажбуриятномалар эса 2-карточека жойлаштирилади ва ўрнатилган тартибда ундирилади. Бунда фойзлар кредит қарзларидан олдин ундирилади.

17. Қарз олувчи томонидан асосий қарзни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилемаса, банк Фуқаролик кодексининг 280-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ мустақил равишда, судга мурожаат қилмасдан, гаров предметини тасарруф килиб, уни қонунчиликда белгиланган тартибда сотган ҳолда ўзининг кредит бўйича қарздорлигини қайтаради.

18. Қарз олувчининг таъминоти кредит бўйича асосий қарздорлик ва унга ҳисобланган фоизларни қайтаришга етмаган тақдирда, банк, мазкур қарзни қайтаришни қарз олувчининг ликвидли мол-мулки, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма обьектлари, транспорт воситалари, компьютер ҳамда корхона ва ташкилотларнинг бошқа ликвидли активлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сонли қарори билан тасдиқланган «Банкларни кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилемаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш Тартиби»га мувофиқ амалга ошириши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

346 «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасининг ишлаб чиқариш корхоналарига фурнитура, ёрдамчи ва бутловчи материаллар сотиб олиш учун нақд пул маблағларини бериш тартиби тўғрисида низомни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

(2005 йил 7 ноябрда 164-мҳ-сон билан давлат реестридан чиқарилди)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 6 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги 222-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви ва Молия вазирлиги қарор қиласди:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 19 майдаги қарори ва у билан тасдиқланган 2001 йил 2 июня 1038-сон билан давлат рўйхатига олинган «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасининг ишлаб чиқариш корхоналарига фурнитура, ёрдамчи ва бутловчи материалларни харид қилиш учун нақд пул маблағларини бериш тартиби тўғрисидаги низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 12 октябрь,
22/3-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

Молия вазири С. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 12 октябрь,
100-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИГ
ҚАРОРИ**

347 «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси ва «Ўзбек қоракўли» компанияси тизимидағи ширкатлар таъсисчилари — жисмоний шахслар маблағлари ҳисобига ахолидан сотиб олинадиган тери, қоракўл ва мўйна хом ашёси учун ҳисоб-китоб қилиш тартибини ва Тижорат банклари томонидан қайта ишловчи корхоналарга сут, тирик мол, жун, қорамол ва майдада моллар териси, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини харид қилиш учун накд пул бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

*(2005 йил 7 ноябрда 165-мҳ, 166-мҳ-сон билан давлат реестридан
чиқарилди)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 6 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорлариiga ўзгартиришлар кириши ва баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги 222-сонли қарорига мувофик Марказий банк Бошқаруви **қарор қиласи**:

Куйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Марказий банк Бошқарувининг 1998 йил 23 сентябрдаги қарори ва у билан тасдиқланган 1998 йил 22 октябрда 508-сон билан давлат рўйхатига олинган, 2000 йил 21 августдаги 508-1-сон билан рўйхатдан ўтган қўшимча ва ўзгартиришлар билан бирга «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси ва «Ўзбек қоракўли» компанияси тизимидағи ширкатлар таъсисчилари — жисмоний шахслар маблағлари ҳисобига ахолидан сотиб олинадиган тери, қоракўл ва мўйна хом ашёси учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби;

Марказий банк Бошқарувининг 2002 йил 30 ноябрдаги қарори ва у билан тасдиқланган 2003 йил 14 январда 1198-сон билан давлат рўйхатига олинган Тижорат банклари томонидан қайта ишловчи корхоналарга сут, тирик мол, жун, қорамол ва майдада моллар териси, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини харид қилиш учун накд пул бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 12 октябрь,
22 /2-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

348 Давлат улушларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар ва ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
11 ноябрда 1394-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 21 ноябрдан кучга киради)

Давлатнинг ишончли вакиллари ва профессионал бошқарувчи компанияларнинг хусусийлаштирилган корхоналарнинг корпоратив бошқариш жараёнига қатнашиш фаолиятининг самарадорлигини назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан 2004 йил 21 июлда 01/06-15-сон қарори билан тасдиқланган Давлат улушларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар ва ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга (2004 йил 30 июль, рўйхат рақами 1394) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 1 ноябрь,
01/06-18/06-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 7 ноябрдан 11 ноябргача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Топширилган пахта ҳосилидан фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналига тегишли бўлган пахта истеъмол ёфи, шелуха ва кунжарани етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 6 ноябрдаги 223-сон буйруги.

2005 йил 7 ноябрда 1519-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 17 ноябрдан кучга киради).

2. «Тижорат банклари томонидан ширкат ва фермер хўжаликларига уларга тегишли пахта ёфи, шрот ва шелухани ёф-мой корхоналари ва уларнинг шохобчалиридан ўз вақтида харид қилишлари учун кредит бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 22 октябрдаги 23/9-сон қарори.

2005 йил 7 ноябрда 1520-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 17 ноябрдан кучга киради).

3. «Давлат улушларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари, бошқарувчи компаниялар ва ишончли бошқарувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2005 йил 1 ноябрдаги 01/06-18/06-сон қарори.

2005 йил 11 ноябрда 1394-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 21 ноябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Пахта хом-ашёсини саноат йўли билан қайта ишлаш натижасида олинадиган пахта истеъмол ёфи, шелуха ва кунжарани хўжаликларга қайтариш тартиби тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган (2003 йил 11 июнь, рўйхат рақами 1249).

Адлия вазирининг 2005 йил 7 ноябрдаги 163-мҳ-сон буйруги билан реестридан чиқарилди.

2. «Ўзбекчармпойабзали» уюшмасининг ишлаб чиқариш корхоналига фурнитура, ёрдамчи ва бутловчи материаллар сотиб олиш учун нақд пул маблагларини бериш тартиби тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (2001 йил 2 июнь, рўйхат рақами 1038).

Адлия вазирининг 2005 йил 7 ноябрдаги 164-мҳ-сон буйруги билан реестрдан чиқарилди.

3. «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси ва «Ўзбек қоракўли» компанияси тизимидағи ширкатлар таъсисчилари — жисмоний шахслар маблағлари ҳисобига аҳолидан со-тиб олинадиган тери, қоракўл ва мўйна хом ашёси учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби, 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (1998 йил 22 октябрь, рўйхат рақами 508; 2000 йил 21 август, рўйхат рақами 508-1).

Адлия вазирининг 2005 йил 7 ноябрдаги 165-мҳ-сон буйруги билан реестрдан чиқарилди.

4. Тижорат банклари томонидан қайта ишловчи корхоналарга сут, тирик мол, жун, қорамол ва майдा моллар териси, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини харид қилиш учун нақд пул бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (2003 йил 14 январь, рўйхат рақами 1198).

Адлия вазирининг 2005 йил 7 ноябрдаги 166-мҳ-сон буйруги билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

